O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 18-iyun • № 25 (4060)

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг телефон орқали мулоқоти тўғрисида АХБОРОТ

Шу йилнинг 16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон раҳбари кейинги кунларда Қирғизистон Республикаси жанубида, Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида уюшган босқинчи тўдалар томонидан тинч аҳолига, биринчи навбатда, ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан жазосиз қолаётган қотилликлар, зўравонликлар, қирғин ва ўт қўйишлар ҳақидаги аниқ маълумотлар, рақамлар ва далилларни батафсил баён этди.

Юзлаб қурбон бўлганлар, шунингдек, жабр кўрганлар, жароҳатланганлар орасида минглаб ўзбек миллатига мансуб фуқаролар бор.

Тинч аҳоли ва Қирғизистон муваққат ҳукумати раҳбари Р.Отунбоеванинг мурожаатидан сўнг қочқинларни қабул қилиш учун Ўзбекистон чегараси очилди. Бугунги кунда асосан аёллар, болалар ва кексалардан иборат қочқинларнинг сони 70-80 мингдан ошади. Бу, ўз навбатида, уларга ёрдам, биринчи навбатда, тиббий ёрдам кўрсатиш, дори-дармон етказиб бериш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Қочқинлар учун барча зарур шарт-шароит яратилди ва яратилмоқда: беморлар, шунингдек, ҳомиладор аёллар шифохоналарга жойлаштирилди, ҳамма эҳтиёжмандларга профилактик тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, маиший шароитлар яратилмоқда, уч маҳал овқат билан таъминланмоқда. Вазият аввало қочқинлар оқимининг кўплиги, уларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати туфайли мураккаблашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жабр кўрган одамлар оғир аҳволда қолганини инобатга олиб, ҳозирча фақат БМТ тузилмалари ва айрим давлатлар томонидан таклиф этилаётган ёрдамни тезлаштириш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Ёрдам тариқасида келаётган юкларнинг ҳаракати йўлидаги оралиқ бўғинларни камайтириш ва уларни даҳшатли қирғиндан жабр кўрганлар жойлаштирилган ерларга бевосита етказиб бериш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

Ушбу жараён юзасидан ғоят қатъий назорат ўрнатиш муҳимлиги таъкидланди.

БМТ Бош котиби, ўз навбатида, Қирғизистон жанубида юзага келган вазият ва қочқинлар лагерларидаги аҳвол тўғрисидаги маълумотлар, БМТ ва унинг тузилмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларига жабрдийдалар жойлашган лагерларга очиқ ва эркин кириб-чиқиш учун яратилган имконият учун миннатдорлик билдирди, шунингдек, фалокат зоналарида вазиятни барқарорлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

БМТ Бош котиби ёрдам кўрсатиш борасидаги барча ишларни шахсан ўзи мувофиқлаштириб бораётганини ҳамда Қирғизистон жанубидаги аҳолини қўллаб-қувватлашнинг самарадорлигини ошириш ва жабр кўрган аҳолига бевосита ёрдам кўрсатиш бўйича барча зарур чораларни кўраётганини таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, деди жаноб Пан Ги Мун, Қирғизистон жануби ва бутун мамлакатдаги вазиятни бевосита назоратга олган ва вазиятни барқарорлаштириш бўйича тезкор чоралар кўради.



Келинг сиз ҳам, бирга ўйнаймиз...

## ТУПРОҒИНИ ЯШНАТГАН ЭЛ

Қуёш Боботоғ узра бош кўтарар-кўтармас Сурхонда ҳаёт жонланади. Ишчи корхонасига, хизматчи идорасига, деҳқон даласига отланади. Воҳада одат шундай — ишни вақтли бошлайдилар. Зеро, бунда хайр бор, эрта тонгда қилинган бир соатли меҳнат куннинг баракасини таъминлайди.

Биз ҳам тонг саҳардан йўлга отландик. Узун тумани ҳокими ўринбосари Эркин ака Бердиев ҳамроҳлигида машинада борарканмиз, Боботоғ

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

тарафдан эсаётган майин шабада вужудимизга хуш ёқар, эпкин аралаш димоғимизга урилаётган экинзору боғ-роғларнинг хушбўйи руҳимизга ажиб бир енгиллик бахш этарди.

Машинамиз йўл чеккасига чиқиб тўхтади. «Мана бу Оқостона бобо зиёратгоҳи», деди Эркин ака машинадан тушаётиб. Тушундим, зиёратгоҳ олдидан беларво ўтиб бўлмайди. Ҳамроҳимга эргашиб, деворлари оппоқ, баланд обида томон юрдим. Қисқа тиловатдан сўнг, ортимизга қайтарканмиз, оппоқ либосли нуроний бир сиймонинг миннатдор қиёфасини кўргандай, «беғубор тонгларингизга гард қўнмасин» ,дея шивирлаганларини эшитгандай бўлдим...

Йўлдамиз. Эркин ака тўлиб-тошиб гапириб борар, тумандаги янгиликлар, қад ростлаётган иншоотлар, замона шарофатидан руҳланиб, мўъжиза яратаётган инсонларни таърифлашдан чарчамасди. Туман ҳаёти билан танишарканмиз суҳбатдошимнинг ҳайрати менга ҳам ўта бошлади.

Давоми иккинчи саҳифада.

## ТЕАТР МАВСУМИ ЯКУНЛАРИ



Театр мавсуми якунланиш арафасида театр жамоалари режадаги янги саҳна асарларини томошабинларга тақдим этишга шошилмоқдалар. Жумладан, Ўзбек Миллий академик драма театри Санжарали Имомовнинг «Кўчки», Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театр таниқли грузин драматурги А.Цагарелининг «Хонума» комедиясини мухлислар ҳукмига ҳавола этишга тараддуд кўрмоқда. Тошкент оперетта театри ижодкорлари композитор У.Салиховнинг «Ойгул парининг совғаси», рус академик драма театри актёрлари эса «Венецияда тун» спектаклини саҳналаштирмоқда.

Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган халқаро театр фестивалида катта совринни қўлга киритган М.Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри ҳам чекка туман ва қишлоқларда энг яхши саҳна асарларини намойиш этмоқда. Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театри яқин кунларда драматург И.Турсуновнинг «Қаердасан, фаришта?» асарини мухлисларга тақдим этади.

Саҳна заҳматкашлари ижодий фаолиятини кузатиб шунга ишонч ҳосил қилдикки, театрлар енгил-елпи, бадиий-ғоявий саёз асарлардан воз кечиб, миллий урф-одатларимизни, қадриятларимизни улуғловчи асарлар устида иш олиб бормоқдалар. Республика театрлари директорлари ва бош режиссёрлари билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» бирлашмасида бўлиб ўтган очиқ мулоқотларда асосий диққат-эътиборни замонавий мавзу ва замонавий қаҳрамон образига қаратиш зарурлиги таъкидланмоқда. Театрлар ёш ва устоз драматурглар билан ҳамкорлик қилиб, бугунги кун қаҳрамонларининг бунёдкорлик, яратувчилик ишларини замонавий театрнинг бадиий-эстетик услублари асосида тўлақонли акс эттириши долзарб вазифадир. Бундан кўзланган асосий мақсад юксак профессионал савияда яратилган саҳна асарлари билан бугунги авлоднинг интеллектуал салоҳиятини, тафаккурини ва дунёқарашини шакллантиришдир.

Лекин, назаримизда, бу жараёнда сусткашлик сезилади. Тўғри, театр жамоалари якунланаётган мавсумда юздан ортиқ саҳна асарини яратдилар. Республика ва халқаро миқёсда ўтган театр фестивалларида иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлдилар. Истеъдодли ёш режиссёрлар кашф этилди. Аммо театр саҳналарида яратилаётган спектаклларнинг кўп қисми маиший мавзудаги ва таржима асарлардан иборат. Ҳолбуки, барча республика театрлари, айниқса, А.Қаҳҳор номидаги республика Сатира театри, Ҳ.Олимжон ва О.Хўжаев номидаги Самарқанд ҳамда Сирдарё вилоят мусиқали драма театрлари, А.Бакиров номидаги Андижон ёшлар театри жамоаларида катта иштиёқ ва талабчанлик билан изланиш учун етарли имкониятлар бор. Бу театрларга Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан катта эътибор берилмоқда. Уларнинг биноларини таъмирлаб, моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш борасида етарлича ёрдам берилди.

Ўйлаймизки, театр жамоалари мамлакатимизда жадаллик билан олиб борилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишларини очиб берувчи, ёшлар ҳаётидаги ўзгариш ва ютуқларни тўлалигича ифода этувчи бадиий баркамол саҳна асарларини томошабинларга тақдим этадилар.

**Аҳмаджон РАҲИМОВ,**
**«Ўзбектеатр» бирлашмаси ахборот бўлими бошлиғи**

## ЯНГИ АСАР МУҲОКАМАСИ

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг номи ва асарлари кириб бормаган хонадон юртимизда топилмайди. Нафақат биз, бутун жаҳон Навоийни шарафлайди, унинг ҳаёти ва ижодига катта қизиқиш билан қарайди. Буюк шоирга бағишлаб кўплаб асарлар яратилгани ҳам шунинг натижасидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси драматургия кенгашида таниқли адиб, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати Омон Мухторнинг "Амир Алишернинг дарди" пиесаси муҳокамаси бўлиб ўтди. Муҳокамани кенгаш раиси, адиб Эркин Самандар олиб борди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид мазкур асар Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланганини таъкидлаб, муаллифни янги асар билан қутлади. Ёзувчиларимиз яратаётган асарлар ўз вақтида муҳокама қилиниши яхши анъанага айлангани, бундан сўнг ҳам турли жанрдаги асарлар муҳокамаси уюштириб турилишини айтди.

Муҳокамада адабиётшунос олимлар Ҳафиз Абдусаматов, Нусратулла Жумахўжа, Адҳамбек Олимбеков, шоир ва драматурглар Ҳусниддин Шарипов, Ҳайитмат Расул, Комил Аваз, Турсун Али ва бошқалар асар буюк Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлангани билан бирга бугунги долзарб мавзуларни ҳам қамраб олгани, унда Навоий ҳаёти ва фаолиятига янгича ёндашилгани ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Театр билан ишлаш жараёнида асар драматизмини кучайтириш имкони борлигини айтиб, адибга муваффақият тиладилар.

## ЁШ СОЗАНДАНИНГ ЮТУҒИ



Иноятхон Абдуллаева эндигина ўн бир ёшга тўлди. Шунга қарамай, мусиқага меҳри баландлиги, айниқса, болалигидан фортепиано чалишга кучли иштиёқи сабабли дунёга танилди. У Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа лицейининг "фортепиано" бўлимида ўқиб, 166-мактабда умумий таълимни давом эттирди.

2009 йил И.Абдуллаева учун омадли келди. Тошкентда ўтган "Санъат ғунчалари" кўрик-танловида 2-ўринга сазовор бўлди. Шу йилнинг ўзида Италияда "Жузеппе Террачиано", Украинада "Индивидуалис" халқаро танловларида совринли ўринларни қўлга киритди. Иноятхоннинг мусиқага, рассомлик ва кулолчиликка ҳам иштиёқи кучли.

Шу йил феврал ойида ёш ижрочига яна омад кулиб боқди. Полшанинг Нарве шаҳрида Ф.Шопеннинг 200 йиллигига бағишланган халқаро кўрик-танловда иккинчи ўринни эгаллади. Бу кўрик-танлов икки йилда бир маротаба, икки босқичда ўтади. "Рақобатчилар жуда кучли эди, — дейди Иноятхон. — Лекин устозларимнинг ишончи, саҳнага ўзбекистонлик тенгдошларим номидан чиқаётганим ҳар қандай ҳаяжондан устун келди".

Бундай катта муваффақиятда Иноятхоннинг фортепиано мутахассислиги бўйича устози Алла Ким ва оила аъзоларининг катта ҳиссаси бор. Иқтидорли созандага янги ютуқлар тилаймиз.

**Ирода АБДУЛЛАЕВА**

## Тинчликка таъзим қил!

Мушоҳада

Инсон ва тинчлик сўзи сув билан ҳаводек эгизак. Чунки инсон ҳамиша тинчликка ташна бўлиб, тинчликни қўмсаб яшайди, мудом тинчлик осмонидан нафас олишга интилади. Ҳар тонг тинчлик билан уйғонишни истайди. Ҳар доим тинчлик пойига бош эгади. Тинчликни бошига тож қилади.

Шоир ёзганидек:

**Ер оҳиста кезар экан самода,**
**Тинчлик деган зўр неъматга**
**бош эгдим...**

* * *

— Бешикда ётган гўдакларнинг осмондай тиниқ кўзларида, беғубор ва пок кулгиларида нима акс этган?

— Тинчлик!

— Оналарнинг алласида, ҳар кунги илтижосида, оталарнинг энг ёрқин орзу-тилакларида нима мужассам?

—Тинчлик!

— Боболарнинг дуосида, момоларнинг ўланида айтиладиган биринчи калом қандай сўз?

— Тинчлик!

Тоғнинг улкан чўққисида турган бургутга ҳам, полапонларига тумшуғида сув олиб учаётган қалдирғочга ҳам тинчлик керак. Сувдаги балиққа ҳам, ям-яшил майсалар, ниҳоллар, дарахтларга ҳам тинчлик ниҳоятда зарур. Табиат эса тинчлик билан барҳаёт, тинчлик туфайли гуллаб-яшнайди, тинчлик билан барқарор.

Давоми иккинчи саҳифада.

## “НИҲОЛ — 2010”

Иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида ўтказилаётган "Ниҳол" мукофоти кўрик-танловининг вилоят босқичлари якунланмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилояти бўйича эстрада йўналишида Рамзиддин Эшбоев, Акмал Акбаров, Азамат Мусурмонов, мусиқада Суҳроб Ёқубов, Зебинисо Эргашова, мумтоз қўшиқда Суҳроб Ботошев, Лола Раҳмонова, рақс санъатида Зарина Омонтурдиева, Гўзал Нажмиддинова, Мафтуна Сатторова номзодлари республика кенгашига тавсия этилди.

Жиззах вилоятида олтмишдан зиёд истеъдод эгалари беллашдилар. Мумтоз қўшиқ йўналишида Фотима Искандарова, Адҳам Эргашев, Охун Оқилов, эстрадада Моҳичеҳра Яхшибоева, Жамолиддин Ашурбоев, мусиқада Руслан Тошбоев, Содиқ Номозов, Дилдора Шарипова, опера йўналишида Жасур Сиддиқов ижролари юқори баҳоланди ва республика кенгашига тавсия этилди.

Шунингдек, Бухоро, Андижон, Навоий вилоятларида ўтган якуний босқич ғолиблари ҳам танловнинг республика босқичида қатнашадиган бўлдилар.

**М.КАРИМОВА**

## ДОРБОЗЛАР БАЙРАМИ

11 — 13 июн кунлари Наманган вилоятидаги Косонсой туманида «Баркамол авлод йили»га бағишлаб дорбозлар ва анъанавий цирк санъати жамоаларининг республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

Кўрик-фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган 18 дорбозлик ва 20 анъанавий цирк жамоаларининг 250 дан ортиқ қатнашчилари ўз дастурларини намойиш этди.

Фестивал доирасида соҳа мутахассислари ҳамда дорбозлар ва анъанавий цирк санъати жамоалари бадиий раҳбарлари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъати раиси Карима Зарипова таъкидлаганидек, «Косонсой дорбозлари», «Водил чинори», «Шоҳимардон тонги», «Мадамин дорбоз», «Қўқон минори», «Қалдирғоч», «Афсунгар» каби дорбозлар ва анъанавий цирк жамоаларининг дастурлари кўпчиликка манзур бўлди. Бу жамоаларда кўплаб ёшларнинг ижод қилаётгани ёш авлоднинг қадриятларимиз, анъаналаримиз ва қадимий дор санъатига қизиқиши ортиб бораётгани ҳамда кўплаб ёш дорбозлар етишиб чиқаётганидан далолат беради.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига асосан олий ўрин «Косонсой дорбозлари» жамоасига, иккита биринчи ўрин «Шоҳимардон тонги» ҳамда «Шаҳрисабз дорбозлари» жамоаларига, иккита иккинчи ўрин Қўқон шаҳар «Аслиддин Вали» масъулияти чекланган жамияти қошидаги дорбозлар гуруҳи ва Андижон вилояти Пахтаобод тумани «Мадамин дорбоз» жамоасига берилди.

Анъанавий цирк санъати гуруҳлари бўйича иккита биринчи ўрин Фарғона туманидан «Водил чинори» ҳамда Тошкент вилоятидан Дарвишбек Раҳмонов раҳбарлигида «Қалдирғоч» халқ анъанавий цирк гуруҳларига, учта иккинчи ўрин Хоразм вилоятидан «Сеҳрли қўллар», Андижон вилоятидан «Афсунгар» ва Қорақалпоғистондан «Жайҳун мўъжизаси» анъанавий цирк гуруҳларига берилди.

Шунингдек, Шаҳзодбек Қўлдошев «Энг ёш ижрочи», Дониёрбек Собиров «Энг ёш масхарабоз», Аҳаджон Қўлдошев, Бектош Аҳмедов, Нурзод Яхшибоев «Мафтункор ижрочи», Бахтиёр Умаров «Умидли дорбоз», Баротжон Абдураҳмонов «Моҳир ёғоч оёқ», Муҳаммаджон Ўлмасов «Энг кекса дорбоз» ва Ҳайдарали Рустамов «Касб фидойиси» номинациялари бўйича тақдирландилар.

**М. ҚОЗОҚБОЕВ**



# Тинчликка таъзим қил!

Бошланиши биринчи саҳифада.

* * *

Эй одамзот, сен тинч-тотув яшашни истасанг, уни дарахтлардан ўрган. Тинчлик қандай бебаҳо кучлигини билмоқчи бўлсанг, тоғларга боқ. Тинчлик умримизни безаб турсин десанг, дарёю денгизлардан ибрат ол! Тинчлик ҳаётимнинг мазмунига айлансин десанг, болаларнинг беғубор қўшиғига жўр бўлгин!

Афсус ва надоматлар бўлсинким, одамнинг душманиям, кушандасиям одам боласи экан. Тинчликнинг бунёдкори ҳам, бузғунчиси ҳам одам экан. Бири тинчликни қанчалар асраб-авайласа ва тинчлик учун курашса, бошқа бири уруш оловини ёқишга шунчалар ўч бўларкан. Бири тушларида тинчликни кўриб қувонса, бири урушни кўриб севинаркан. Бири тинчлик билан фахрланса, бошқаси уруш кўзғаб ғурурланаркан. Бири тинчликсевар, деган ном қозонса, яна бири урушга даъват этади, уруш оловини ёқиш учун гугурт излайди.

Инсон ва тинчлик, инсон ва уруш мавзулари минг-минг йиллик тарих саҳифалари узра баҳс қилади, мунозара юритади. Шоир айтганидек, бу икки тўлқин ҳамон курашда:

**Тинчлик — жон дейди, уруш эса қон.**
**Тинчлик — ҳаёт дейди, уруш эса қурбон.**
**Тинчлик — меҳнат дейди, уруш эса кулфат,**
**Тинчлик — обод дейди, уруш дейди: вайрон.**

Она замин катта-кичик урушлардан чарчади, бениҳоя толиқди. Бирор бир гўшада ўқ овози эшитилса, ернинг бағри титрайди. Портлашлардан тупроқларга титроқ киради, тоғу тошлар ларзага келади. Тарих урушлардан зада бўлиб кетди, урушлардан зерикди. Одам нега уруш қилади, нега урушларни ўйлаб топади? Наҳотки, дунёга фақат уруш қилиш, қон тўкиш ва вайрон қилиш учун келса? Тарих ҳали-ҳануз ушбу саволларга жавоб топа олгани йўқ.

* * *

Бугун урушлардан афғончалик жафо чекаётган халқни топиш қийин. Болалар уруш майдонларида туғилиб, уруш оловлари ичра улғайиб, уруш билан ҳаётлари барҳам топмоқда, келажаги барбод бўлмоқда. Бир нафас бўлсин бу заминда урушнинг ажал тегирмони тўхтагани йўқ.

Уруш болалаган бу юртнинг тупроғидан уруш ҳиди келади, тош бўлаклари урилганда уруш чинқириғи эшитилади, куйган дарахтларнинг илдизларидан уруш тутуни бурқсийди, майсалар ўқ овозидан титрайди.

Юртбошимиз айтганидек, Афғонистон масаласини фақат тинчлик йўли билан ҳал этиш мумкин.

* * *

Агар бешик тепасига қарға келиб қўнса, у қағиллаб, бешикда ётган гўдак оромини бузади. Агар уйга бехосдан илон кириб қолса, тамом, уйдагилар тинчлигини йўқотадилар. Агар қишлоққа бўри ораласа, фақат одамларнинг эмас, балки ҳайвонларнинг ҳам тинчлиги бузилиши тайин. Агар Ватанга душман кўз олайтирса, юрт тинчлиги хавф остида қолади. Агар душман ўзингдан чиқса-чи, алҳазар, бундай хавфли душмандан Яратганнинг ўзи асрасин ва Ўзи унинг жазосини берсин!

Ҳар бир даврнинг, замоннинг ўз кушандаси бўлганидек, бугунги тинч ва осойишта дунёнинг хатарли балоси — терроризм номини олди. XX аср — тарихда атом асри, дея қайд этилган бўлса, XXI асрнинг бошланиши аллақачон терроризм тамғаси билан муҳрланаётир. Терроризм — диний экстремистик гуруҳнинг уруш ўчоғи ва ашаддий қуроли сифатида қанот ёзаётир. Улар бу қурол билан тинч диёрларни бузишга, тинч шаҳарларни вайрон қилишга, осойишта юракларга ғулғула солишга таҳдид қилаётир. Сокин муҳитларни, тинч гўшаларни бузаётир.

Жаҳолат илдиз отган вужудда тинчлик кабутари ин қуролмайди. Лекин жаҳолат қанчалар даҳшат солмасин, барибир тинчлик шиддатини тўхтатолмайди, тинчликнинг йўлига ғов бўлолмайди.

Мустақиллигимизнинг энг олий неъматларидан бири — бу, шубҳасиз, тинчлик ва яна тинчлик. Тинчлик барқарорлашиб, мустаҳкамланиб боргани сари, айрим ҳаётий масалалар ўз-ўзидан ечилиб, жамиятда учрайдиган айрим камчиликлар барҳам топиб, муаммолар ҳал бўлаётир. Юртбошимиз ҳар бир маъруза ва нутқларида халқимиз ва юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, деб қайта-қайта таъкидлайдилар ва буни Яратгандан илтижо қилиб сўрайдилар.



* * *

Мамлакатимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, юксак тараққиёт замирида тинчлик ётибди. Энг қадимий обидаларнинг қайта тикланиши ёки таъмирланиши тинчлик туфайли амалга ошяпти. Шаҳарлар, қишлоқлар ободлиги тинчликдандир. Маҳаллалар чиройи тинчлик оҳанглари билан йўғрилган. Ва бу обод, кўркам ва чиройли гўшаларда яшаш, ўқиш, ишлаш тинчлик билан уйғунлашиб кетган. Қурилаётган равон йўллар, улкан иморатлар, гўзал боғлар, кўркам мактаблар, замонавий коллежлар, ҳашаматли кўприклар тинчликка хизмат қиляпти. Кўчаларда одамлар бир-бирларининг эмас, гўё тинчликнинг қўлларидан ушлаб юргандай эркин кезадилар, тинчлик билан қадам ташлайдилар, тинчлик осмонидан нафас оладилар.

**Сўзлардаги ҳароратда тинчлик бор.**
**Кўзлардаги жасоратда тинчлик бор.**
**Тинчлик учун фидойилик бурчимиз,**
**Юзлардаги нафосатда тинчлик бор.**

* * *

Далаларда тинчлик шамоли эсади. Бу шамол мўл-кўл ҳосил хирмонларини ҳадя этади. Деҳқоннинг, боғбоннинг ва чўпоннинг ҳам асосий нияти — тинчлик. Ўзбекистонда тинчликнинг ҳамиша барқарор ва мустаҳкам бўлишидан фақат ўзбекистонликлар эмас, балки қўшни давлатлар ҳам манфаатдордирлар. Тинчлик қўшниларнинг бир-бирига меҳрини оширади, дўстлигини мустаҳкамлайди. Улар ўртасида фаравонлик, бағрикенглик яратади.

Ўзбекистон давлат сиёсатининг ўзагини тинчлик ташкил этишини дунё аҳли кўриб-билиб турибди. Ўзбекистон Раҳбари дунёнинг энг нуфузли минбарларидан туриб тинчлик ҳақида баралла сўзлаётир, ҳар қандай муаммони фақат тинчлик йўли билан ҳал этишга қайта-қайта даъват этаётир. Ҳақиқатан ҳам тинчликсевар Президентимиз танлаган йўл, бу — тинчлик йўлидир!

Навоий вилоятида бўлган фаоллар учрашувида кўпни кўрган бир отахон шундай деди: "Яхши биламизки, бозордаги, дўконлардаги маҳсулотларнинг, буюмларнинг нархи аниқ кўрсатилган. Қани ким айтади: тинчликнинг баҳоси қанча? Бир кунлик, бир ойлик ёки бир йиллик тинчликнинг нархи қанча туради? Ким айтади? Умуман, тинчликнинг баҳоси борми?!."

Юртбошимиз ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида ёзганидек: "Бежиз эмаски, юртимиздаги қайси хонадонга кирсанг, қандай йиғин ёки маърака бўлмасин, фотиҳага қўл очилганда, ёшу қари, эркагу аёл — барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталикни сўраб дуо қиламиз".

**Ўғлим иншо ёзар тинчлик ҳақида,**
**Қизимнинг дафтарида тинчлик сўзи барқарор.**
**Номингдан айланай, сени, эй, тинчлик,**
**Набирам тинчлик кабутарини чизар.**

* * *

Ҳар куни қуёшдан тинчлик сўраймиз. Ойдан-да, юлдуздан-да тинчлик бўлишини илтижо қиламиз. Тинчлик дарахти ҳамиша, ҳар доим кўзларни яшнатиб, дилларни яйратиб, гуллаб-яшнаб туришини истаймиз.

Азиз дўстим, сен тинчлик дарахтини аввало, ўз қалбингга эк. Сўнг ҳовлингга, маҳалла ва қишлоғингга эк. Кейин бу муқаддас дарахтни Ватанинг бағрига эккин. Унинг мустаҳкам илдизлари, улкан шохлари, ям-яшил барглари дунёни тутсин, тинчликсеварлар қалбини забт этсин. Тинчлик тимсолига айлансин!

Тинчлик дарахти!

Сен ҳуда-беҳудага бу дарахтга тегма, бўлар-бўлмасга унинг шохларини синдирма, баргларини саргайтирма, беҳуда тўкма. Уни ҳамиша онангни, фарзандингни, Ватанингни асрагандай асрагинки, у кўркам боғларга айлансин, тинчликзорга айлансин!

Мен тинчликни яхши кўраман ва унга ҳамиша таъзимдаман. Сен ҳам тинчликка талпин, тинчликка таъзим қил! Токи ер юзини тутсин, ер юзи бўйлаб янграсин тинчлик руҳи, тинчлик садоси, тинчлик овози!

**Ашурали ЖЎРАЕВ**

# ТУПРОҒИНИ ЯШНАТГАН ЭЛ

Бошланиши биринчи саҳифада.

«Мезон-зиё» корхонаси раҳбари Муҳаббат опа Зиёеванинг Хитойда ўтказилган савдо ярмаркасидан ғишт ишлаб чиқариш технологиясини «Амир Темур» фермерлар уюшмасига қарашли «Чинор» маҳалласига келтириши бежиз эмас экан. Ўшанда туман ҳокими қарори билан 4 гектар ер ажратилган, бир юз эллик миллион сўм кредит олиниб, қурилиш ишлари бошланган. Ҳозир тўла қуриб битказилган ғишт ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилаётган экан. Шу жойда қишлоқ аҳли учун қирққа яқин янги иш ўринлари ташкил этилибди. "Янги технология ҳар томонлама қулайлиги билан ажралиб туради, — дейди Муҳаббат опа. — Унинг афзаллиги, биринчидан, электр қувватини тежайди. Иккинчидан, эски технологияга нисбатан кўп ва сифатли ғишт ишлаб чиқаради. Давлатимиз томонидан корхонага имтиёз берилиб, 2012 йилгача солиқдан озод этилган».

— Янги корхона тўлиқ ишга тушгач, йилига 4 миллиондан ошиқ пишиқ ғишт ишлаб чиқаради, — дейди корхонага бош-қош бўлиб юрган суҳбатдошимиз Асқар ака Ҳусаинов.

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларида уй-жой қуриш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан туманнинг «Телпакчинор» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Обизаранг» қишлоғида аҳолига намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриб бериш учун тўрт ярим гектар ер ажратилган, янги лойиҳа асосида қирқ бешта уй-жой қурилиши кўзда тутилган эди. Айни пайтда йигирмата тўрт хонали, йигирма учта беш хонали уйларни барпо этиш ишлари бошлаб юборилган. Янги уйлар қурилиши пудрат ташкилотлари томонидан олиб борилмоқда.

Туманда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомий ташкилотлар томонидан қирқ олти оилага бепул қорамол тарқатилибди. Шундан йигирма беш нафари ёш оилалар экан. Ижодий сафаримиз давомида Сурхондарё пиллакорлари давлатга пилла сотиш шартнома режасини бажарганлиги ҳақида хушхабар эшитдик. Бу хушхабарда узунликларнинг ҳам ҳиссаси катта. «Қорабой-бобо-Жамшид», «Термиз–Файзобод–Узун», М.Хўжамёров номли фермер хўжаликлари бутун воҳада машҳур. Юртимизда изчил олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини ана шу фермер хўжаликлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

«Обизаранг» дарёсидан бу йўл ҳар қачонгидан кўп — бир юз эллик куб метргача сув оқаяпти, — дейди Сариосиё қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош мироби Ҳамроқул Сатторов. Сувнинг сероблиги эса фаровонлик асоси.

Гулбаҳор Муродова ва Зулхумор Бўриевалар етакчилик қилаётган деновлик фермерларнинг буғдойзорларига илк ўроқ тушган куни ҳар гектар ҳисобига ҳосилдорликнинг олтмиш центнердан ошиши маълум бўлди. Демакки, элимизнинг ризқи бутун. Омборлар яна донга тўлиб-тошади.

* * *

Умрининг чорак асрдан ошиғини лалми боғлар барпо этишга бағишлаган «Боғи-бўстон» фермер хўжалиги раҳбари Носирхон ота Тўрақулов саксон икки ёшни қаршилади. Сариосиёнинг Тоқчи қишлоғидаги қирлар бағрини боғу бўстонга айлантирган отахоннинг қўли ҳанузгача меҳнатдан бўшамайди. Ҳар йили янги боғлар барпо этади. Унинг шовуллаб турган лалми олмазорларидан меҳмонларнинг оёғи узилмайди. Дарахтларнинг дуру маржон каби тизилган меваларига тикилиб кўзимиз қувнайди. Одам боласининг қандай мўъжизалар яратишга қодир эканига гувоҳ бўламиз. Димоғимизни қитиқлаётган олмаларнинг хушбўйидан қадамимиз тезлашади. Ҳамроҳларим тенгсиз манзарани таърифлашга қиёс излашади. Мен эса Носирхон ота боғларидан ҳақиқий Ватан иси уфуриб турганини туяман...



Сув чиқмайдиган қирликда лалми боғ яратишнинг ҳадисини олган отахон яқинда ўз фермер хўжалиги ҳисобидан бир юз йигирма миллион сўмдан ортиқ пул сарфлаб ҳамқишлоқлари учун уч ярим километр жойга газ қувурлари ўтказибди. Бу қирлар бағридаги ҳалол меҳнатнинг самарасидир. Носирхон отанинг лалми боғ яратишга доир тажрибалари республикамизнинг барча вилоятларида жорий этилса, Ватанимиз бағрини янада кўпроқ боғу бўстонларга буркаган бўлардик.

* * *

Шўрчидаги «Йўлдош ҳожи» фермер хўжалиги раҳбари Йўлдош ота Бердимуродовни кўплар танийди. Отахон етмиш тўрт ёшга қадам қўйди. Унинг юрт ободончилиги йўлида қилган хайрли ишларини санаб адоғига етолмайсиз. Йўлдош отанинг саккиз юз қути асалариси бор. «Ҳар йили ўн тонна атрофида тоза асал оламан, — дейди у. — Асалари етти хазинанинг бири. Меҳри тушган одамни асалари ҳеч қачон насибасиз қолдирмайди. Асалнинг даромадидан ўтган йили иккита автобус сотиб олиб, туман марказидан Олатемир қишлоғига қатнайдиган қилиб қўйибман. Қишлоқдошларимнинг оғирини енгил қилади. Йўл ҳақини арзон қилдим».

Умрининг қарийб ўттиз йилини асаларичиликка бағишлаган отахоннинг ўзи ҳам болarилардан дарс олган инсонга менгзайди.

Сурхондарёдан қайтар эканман, тупроғини яшнатган эл ҳеч қачон кам бўлмаган, деган фикр хаёлимдан ўтади. Юртнинг қайноқ меҳри юракларга кўчади.

Бу олам-олам меҳр сиёҳи қуримаган ғазалларга айланиб, қалбимда Ватан туйғусини улғайтиради:



**Баҳор ҳам эртароқ келгай, билиб жонона Сурхонда,**
**Қуёш дил сирларин ёзгай, чиқиб пинҳона Сурхонда.**

**Букун ҳур баркамол авлод бўлиб Шаҳзодаю Шаҳзод,**
**Ватанни айлагай обод кезиб мардона Сурхонда.**

**Менинг эй она тупроғим, севинчим дилда ардоғим,**
**Юракда бори чанқоғим қонар бир ёна Сурхонда.**

**Ўзингсан катта дарсхонам, суянган бахтли кошонам,**
**Йўлимда кўз тикиб онам ётибдур она Сурхонда.**

**«Ҳаёт йўловчиларга йўл, болам, сен эҳтиётроқ бўл!»**
**Дуо эттувчи титроқ қўл, отам парвона Сурхонда.**

**Севиб Ахтамқули борсам, ўзимдан имтиҳон олсам,**
**Танам яйраб кетар, қолсам, у пок остона — Сурхонда!**

**АХТАМҚУЛИ**

Журналларни варақлаганда

## "ГУЛИСТОН"

### 2010 йил, 3-сон



Журналнинг ушбу сони ранг-баранг мақолаларга, янгиликларга, эссе ва очеркларга бой. Шунингдек, "Баркамол авлод йили"-га бағишланган турли лавҳалар ҳам ундан жой олган.

"Унутилмас сиймолар" рукнидаги Манзура Шамснинг Шукур Бурҳонов ҳақидаги "Юрагини аямаган одам", Муаттар Жўраеванинг Асқад Мухтор хотирасига бағишланган "Гўзалликни тушунган инсон гўзалдир" мақолаларида ва Жўра Худойбердиевнинг Иристой Қўчқортоев ҳақидаги "Ибратли умр" ёдномасида элимизнинг ардоқли санъаткор, ижодкор зиёлилари ёдга олинади.

"Гулистон гурунглари" рукнида хонанда Мамлакат Мамажонова билан мухбир Шермурод Субҳоннинг, режиссёр Гулруҳ Нажидова билан шоир Тўра Мирзонинг суҳбатлари эълон қилинган. Анъанавий "Ўзбегим спорти" саҳифаси Параолимпиячиларимизнинг Қувайтдаги ғалабаларига бағишланган. Халқаро музейлар куни муносабати билан тадқиқотчи Муниса Муҳамедованинг "Музейларда халқаро туризм аҳамияти" мақоласи, адабий жараён ҳақида Жалолбек Йўлдошбековнинг тадқиқоти ҳам журналнинг ушбу сонида берилган.

Абду Наби (Бойқўзиев) ва Адиба Умированинг шеърлари журналнинг мундарижасини бойитган. Нигина Қодированинг "Башоратлар, афсунлар...", Комил Жонтоевнинг "Одамхўрлар ороли", Рўзимурод Эсоновнинг "Миср эҳромлари" мақолаларида қизиқарли воқеа-ҳодисаларга, фактларга гувоҳ бўласиз.

Шунингдек, эл хизматидаги фидойи инсонлар ҳақида очерклар, мақолалар ҳам журнал саҳифаларидан жой олган. Фарида Холмуродованинг "Элда азиз одамлар" мақоласи, Набижон Боқийнинг "Эркин Аъзам қандай ёзади?" эссеси, Шерали Турдиевнинг "Элга хизмат — олий ҳиммат" очерки, Илҳом Аҳрорнинг "Куйнинг адабий шарҳи" чизгилари адабиёт, илм ва фан равнақи йўлида хизмат қилаётган инсонлар ҳаётидан ҳикоя қилади.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида Халқаро болалар кунига бағишланган лавҳалар, Адиба Носированинг "Нутқий маданият маънавияти" сарлавҳали мунозарали мақоласи, Муҳаммаджон Қозоқбоевнинг "Санъаткор хотираси" фотолавҳаси билан танишасиз.

Муносабат

# БУГУННИНГ ШУКРОНАСИ

*"Мозий дарсхонаси", "ЎзАС", 2010 йил, 28 май*

Ўзбекистон тарихи музейига саёҳат тарзида ёзилган таҳлилий мақола билан танишар эканман, худди бадиий-тарихий ҳикоя ўқигандек таассурот олдим.

Музей ҳақида ҳикоя қиларкан, одатланганимиз сингари рақамлар келтирмайди муаллиф. Балки, ўқувчини бир йўла мозийга, ибтидоий жамоа даврларига олиб кетади. Палеолит, неолит босқичларига бўлинган Тош даврларига, кейин секин-аста бронза, темир даврларига... Тош даври энг узоқ давом этган давр эканлиги, одамзод пайдо бўлгач бронза даврига келгунча жуда узоқ — миллион йилларни ўтказиб юборганлиги, бронза ва темир кашф этилгач эса тараққиёт тезлашиб кетганлиги ва айни чоқда одамлар орасидаги бебаҳо неъмат — тенгликка, ҳамжиҳатликка путур ета бошлагани, мулкий муносабатлар, рақобат, талаш-тортишишлар бошлангани мароқли бир йўсинда баён этиб борилади.

Музейда мен илгари ҳам бўлганман, ёлғиз ўзим ҳам, талаба дўсту дугоналарим билан ҳам. Аммо, бу сафарги "саёҳатим" менда ўзгача таассурот қолдирди. Айтиш мумкинки, "Мозий дарсхонаси" музейга қайтадан бориш, мақоладан олган таассуротларимни қайтадан ҳис этиш истагини пайдо қилди. Агар мен энди музейга кирсам, ундаги экспонатларни томоша қилишга эмас, балки улардаги кўринмас битикларни ўқишга, муаллиф айтгандек аждодларимиздан қолган осори-атиқаларни "тинглашга" ҳаракат қиламан...

Юртимизда пайдо бўлган илк давлатлар, башарият тарихида дунёга келган биринчи муқаддас китоб "Авесто", ўша давр кишиларининг меҳнат ва жанг қуроллари, қиз-жувонларнинг пардоз-андоз буюмларию тақинчоқлари... Айниқса, массагет, сак қабилалари қизлари ҳақидаги музей ходимаси ҳикоясининг келтирилиши ва муаллиф хулосаси мени ўйлантириб қўйди. Массагет қизларининг жангарилиги мадҳ этилиши билан бир вақтда уларнинг аёллик назокатини сақлаб қолишгани ҳақидаги гаплар, айниқса, бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Қизми, аёлми касб-кори, ҳаёт тарзидан қатъий назар ўз аслиятини — аёллик назокати, нафосатини асраб қолиши зарур. Ўзлигини йўқотган эркакшода аёлдан ёқимсизи бўлмаса керак!..

Кумуш тангалар...

Милоддан бўлган IV асрда зарб этилган тангалар ҳақида сўз очган муаллиф сизни Искандар босқини рўй берган замонларга бошлаб кетади. Бундан 24 аср муқаддам бўлиб ўтган қонли воқеалар, босқинлар, Искандарга қарши олиб борилган курашлар мағлубиятлар ва мағлубият сабаблари... "Жасур Спитамен армони сенинг армонингга айланади, Спитамен алами юрагингни ўртайди"... дейди муаллиф. Менимча, ўз юртини севган фуқаро нафақат унинг бугунги куни, балки келажаги учун ҳам, гарчи ўтиб кетган бўлса-да, тарихи учун ҳам қайғуриши керак. Қайғуриш қай маънодаки, ўтмиш аждодлар қисматини тарихан ўрганиб, таҳлил қилиб, хулоса чиқариб, сабоқ олиб, шунга кўра иш тутиши, ота-боболари шаънини пок тутиши, уларга нисбатан ғаразли ниятларда ёпиштирилган "ёрлиқ"лардан тозалаб, келажак авлодларга асл ҳолича, холисона ҳалоллик билан етказиши шарт.

Музейдаги ноёб экспонатлардан бўлмиш будда ҳайкалчаси ҳақидаги маълумотлар менга кўп нарса берди. Демак, қадимий динлардан бўлган буддизм ҳам бизнинг аждодларимиз амал қилган, ўзларини инсондай яшаш илмини эгаллаган инсоний низом бўлган деган фикрга келдим. Умуман динлар тарихини ўрганиш бугунги ёшлар учун фойдадан холи бўлмайди. Дин ҳамиша кишиларни яхшиликка бошлаган, қон тўкишдан тийган, инсон боласининг гарчи турли ирққа мансуб бўлса-да, илдизи битта, ота-онаси битта эканлиги ҳақида уқдириб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бизнинг ўтмиш алломаларимиз, хоҳ диний, хоҳ илм-фан бобидаги зотлар бўлсин худди ана шу ақидада туришган, инсонларни якдилликка даъват қилган. Ана шундай ҳақиқатдан воқиф бўлган ёшлар, ўйлайманки, бугунги кунда ён атрофдан бўлаётган ғаразли таъсирларга берилмайди.

Мўғул босқини, Жалолиддин, Темур Малик, Нажмиддин Кубролар ибрати ҳақидаги сўзларни лоқайд ўқиб бўлмайди, муаллиф ҳаяжони, афсус ва тасаллилари сизга ҳам юқади. Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври экспозицияси қаршисида туриб, шонли тарихимиздан фахрланиш туйғулари... Ундан кейинги даврлардаги бўлинишлар, инқирозлар, мустамлакачилик аламлари...ва ниҳоят бугунги кунимиз... Гарчи мақолада энг янги тарих — истиқлол йиллари экспозициялари ҳақида батафсил сўз юритилмаган эса-да, мақолада бошдан-оёқ бугунги кун шукронаси уфуриб туради. Чунки, тарихга холисона баҳо беришга имкон яратилганининг ўзиёқ, қадим боболаримиздан қолган осори-атиқаларнинг эъзозланиб, муҳташам бир сарой залларига қўйилгани... булар истиқлол шарофатидандир.

Мақола якунидаги хулоса айниқса мароқли ва ибратлидир. Замонлар ўтаверган, гоҳ тинчлик ҳукм сурган, гоҳ тала-тўплар юз берган, шаҳар-қишлоқлар гуллаб-яшнаган, гоҳ култепага айланган. Лекин, инсон боласи яшашда давом этган. Севган, севилган, ҳаётни давом эттирган, ундаги бир-бирига, Ватанига бўлган муҳаббат доим ҳаётни қойим қолишига, қайтадан бунёдкорлик, яратишлар қилишга ундайверган... Дарҳақиқат, шундай эмасми? Бугунги кунимизда бизга куч-қувват бериб турган нарса ҳам, энг олий инсоний ҳис туйғу — муҳаббат эмасми?

"Мозий дарсхонаси" билан танишар эканман, менда шундай бир истак пайдо бўлди: яхши бўларди, шундай таҳлилий мақолалар Термиз шаҳридаги археология музейи, Нукусдаги Савицкий номли музей, бошқа шундай даргоҳлар ҳақида ҳам ёзилса. Чунки, юртимизнинг бундай олис бурчакларидаги бебаҳо "дарсхона"ларга бориш имконияти ҳаммада ҳам бўлмаслиги мумкин. Севимли газетамиз саҳифаларида мазкур йўналишда туркум мақолалар ўқиб борсак, масалан, мен ёшлар вакили сифатида айтишим мумкинки, тарих ҳақида, ўтмиш аждодларимиз ҳақидаги илмимизга ҳам, тушунчаларимизга жуда кўп янгиликлар олган бўлардик...

**Маҳзуна ҲАСАНОВА,**
**талаба**

# АНИҚЛИК НИМАГА БОҒЛИҚ

*Таржимашунос олим И.Зингер: «Таржимон синчков ўқувчи, ажойиб услубчи, сўз устаси, психолог, ҳар томонлама билимдон бўлиши керак», дейди. Аммо шуни ҳам эътибордан қочирмаслик лозимки, бу ишга ихлос билан ёндашишга шайланган таржимонлар учун аниқ ишланган услубий йўриқнома ёхуд таржимада аниқликка эришиш борасида қатъий бир тўхтамнинг ўзи йўқ. Таржимада аниқлик таржима асарнинг аслиятга нечоғли яқинлигида, яъни адекват эканлигида намоён бўлади. Бадиий таржима турларидан бўлмиш шеърий таржимада фақат лингвистик ёки фақат адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашув бирёқламаликни келтириб чиқаради. Хўш, шеърий таржимада аниқлик қандай омиллар асосида юзага келади?*

Ғарблик олимларнинг бу борадаги қарашлари шу қадар тарқоқки, таржимон қайси йўлдан бориши мақбуллигини аниқлашда анча бош қотиришига тўғри келади. Тилшунос олимлар Ю.Найда, В.Комиссаров таржимада мазмун, семантик, услубий ва функционал жиҳатдан яқинлик адекватликни таъминлашдаги асосий омиллар сирасига киришини таъкидласалар, В.Виноградов фикрича, матннинг аслиятга яқинлашув даражаси кўплаб омилларга, хусусан, таржимон маҳорати, тил ва маданиятларнинг бир-бирига яқинлик жиҳати ҳамда таржима қилинаётган матннинг характерига боғлиқдир. Адекватлик масаласида адабиётшунос-таржимонларнинг

### Таржима — юксак санъат

қарашлари тилшунос-таржимашуносларникидан фарқланади. К.Чуковский, И.Кашкин, Г.Гачечиладзе, Вл.Росселс, О.Кундзич сингари адабиётшунос ва адиблар таржимага адабий жараён сифатида қарайдилар. Улар тил қоидалари мувофиқлигини бадиий кўмаклашувчи унсур, деб биладилар. Бундай ёндашувга кўра, адекватлик таржиманинг аслият бадиийлигига мувофиқлиги орқали белгиланади. Адабиётшунослар тилшуносларнинг тил мувофиқлигига қатъий риоя қилиш ва таржиманинг вариациялар ҳамда ижодий ёндашувни инкор этадиган меъёрий системасини яратишга уринишларини маъқулламайдилар. В.Виноградов шеърий таржима фақат аслиятга адекват бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Унингча, бадиий таржиманинг ўз ижодкори, яратувчиси, тил манбаи ва услуби мавжуд. Энг яхши шеърий таржима аслиятга мос таржимадир. Мослик даражаси фақат матнларнинг лисоний мувофиқлиги билан эмас, балки бадиий адекватлик билан ҳам баҳоланиши керак. Бу нима дегани? С.Гончаренко фикрича, бу — аслиятдаги услубий жиҳат ва шеърий матн хусусиятининг таржимада акс этганлиги билан белгиланади. Бадиий адекватлик икки тил, яъни аслият ва таржима тилининг поэтик хусусиятини бир маромда сақлаб туриши лозим.

Кўриниб турибдики, тилшунос ва адабиётшунос олимлар эквивалентлик ва адекватлик тушунчасига, асосан, ўз ихтисосликларидан келиб чиқиб ёндашадилар. Улар қарашларининг чекланганлиги ҳам шу билан изоҳланади. Чунончи, эквивалентлик билан чекланувчилар «матн, бу — система», деб қарасалар, адекватлик тарафдорлари «матн, бу — тирик организм», деб ҳисоблайдилар. Бундай баҳсларга умумий назар ташлаб, ҳар иккала қараш тарафдорлари ёндашувларида бирёқламалик мавжудлигини кўриш мумкин. Бизнингча, адекватлик масаласида умумий махражга келиш имконияти бор.

Таъкидлаш жоизки, таржима таҳлили ва танқиди таржимачиликда услубий йўриқ вазифасини ўтайди. Бир асар таржимаси таҳлилида камчиликларнинг очиб берилиши натижасида таржимонлар ўша асарни қайта таржима қилиб, мукаммал таржима вариантларини яратгани адабиёт тарихидан маълум. Аммо ҳали таржима таҳлили ва танқиди мактаби талаб даражасида шаклланмаган. Таржима муаммоларига оид фикрлардаги тарқоқлик, бирёқламалик айрим таржимашуносларнинг тадқиқотларида ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, филология фанлари номзоди Н.Исамуҳамедова тадқиқотида В.Шекспирнинг «Отелло» драмасидан "She was false as water" иборасининг Ғ.Ғулом ва Ж.Камол таржималарида берилиш услубини таҳлил этар экан, "water"(сув) лексемасининг когнитив харитасини тузади. Унга биноан, луғатларда берилган "сув" лексемасининг хавотир ва хавф билан боғлиқ ассоциацияга эга тушунча эканлигини аниқлайди. Шунинг учун ҳам False сўзининг луғавий маъносини келтиришни тўғри деб ҳисоблайди. Буни тадқиқотчининг Ғ.Ғулом ва Ж.Камол таржималарини жадвал воситасида таҳлил қилиб, Ж.Камолнинг сувга нисбатан қўллаган *бетийиқ ва беқарор* сифатидан Ғ.Ғуломнинг *алдамчи, риёкор* сифатини адекват, дейишида кўриш мумкин. Тадқиқотчи масалага лингвист сифатида тўғри ёндашган. Бироқ адекватликни таъминлашда фақат лингвистика нуқтаи назаридан ёндашилса, адекватлик борасида умумий махражга келиш қийин кечади. Мисол учун, Н.Исамуҳамедова хулосасига адабиётшунослик нуқтаи назаридан бошқача баҳо бериш мумкин. Маълумки, *False* сўзининг муқобиллари қуйидагича: 1. wrong(нотўғри, хато), incorrect(хато, нотўғри, ноаниқ); 2. spurious(сохта); 3. improper(номувофиқ, нотўғри); 4. deceptive(алдамчи, адаштирадиган); 5. deceitful(сунъий, сохта); 6.artificial(сунъий).7. treacherous(хоинона, ишончсиз); 8.unfaithful (хиёнаткорона, мунофиқона);9.not genuine(аслияти эмас, тоза кўнгилли эмас); 10.fake(ясама нусха, фирибгарона);11. betrayal(сотқинлик, хиёнат); 12.artificial(сунъий, юзаки). Аммо уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир қанча муқобилларига эга. Уларни бир системага келтириб, умумий маънодошлари аниқланса, масала анча равшанлашади.

Ж.Камол таржимасидаги *бетийиқ, беқарор* сўзларининг ўзбекча: *бир қарорида турмайдиган; субутсиз; ишониб бўлмайдиган; бевафо; алдамчи; иккиюзламачи; риёкор; ишончсиз; уятсиз; ваъдабоз; хоин; лафзсиз* каби маъно муқобиллари бор. Кўриниб турибдики, Ж.Камол вариантининг муқобил маънолари аслиятдаги сифатнинг муқобил маъноларига деярли тўғри келади. Шундай экан, таржимада ҳар иккала таржимон келтирган сифатлар бир умумий маънони, яъни Дездемонанинг севгида собит эмаслиги, ўзгарувчанлиги, бевафолигини англатиш учун тўғри қўлланган. Аммо лингвистик жиҳатдан адекват бўлиши мумкин бўлган "алдамчи ва риёкор сув" ўзбек шеъриятида сунъий ифода саналади. Адекватликнинг қатъий талабларидан бири маъно ва ифода адекватлигидир. Ўқувчи *алдамчи, риёкор сув*ни тасаввур қила олмайди. Аммо ўз ўзанида тинч туролмайдиган, ҳамиша турлича оқадиган сувни, яъни *беқарор* сувни, ўзини бошқара олмайдиган — *бетийиқ сувни* яхши тасаввур қилади. *Беқарорлик субутсизлик, ўз сўзида турмаслик* каби салбий сифатларга маънодошдир. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да *беқарор* ва *тийиқ* сўзларига қуйидагича таъриф берилади: "*Беқарор* — 1. Бирдек туролмайдиган, ҳа деб ўзгараверадиган. *Беқарор Аму.* 2. Бир жойда қўним топмайдиган, ҳа деб кўчиб юрадиган; қўнимсиз. *Дарбадарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор, саёқлигимдан жуда ўкинар эдим.* Ғ.Ғулом, Шум бола. Тийиқ — 1. Ўзини тийиб, босиб, тутиб олган; 2. Қуюлган, босиқ". Шундай экан, Ж.Камолнинг таржимаси Ғ.Ғуломникига нисбатан адекват дейишга асос бор. Бу ерда инглиз тилидаги *false*нинг маъноси бузилмаган: *false* алдамчилик ва риёкорликнинг маъно муқобиллари бўлган беқарорлик ва бетийиқликнинг айнан ўзидир. Демак, когнитив анализнинг муҳим компонентларидан бири маъновий ёндашув бўлмоғи лозим.

Умуман, "She was false as water" ибораси инглиз адабиётида деярли учрамайди. Бу иборанинг келиб чиқиши ва муқобилларини аниқлаш мақсадида интернет тармоғида изланганимизда Шекспир мухлислари ташкил этган онлайн форумга дуч келдик. Унда бир инглиз аёли ўз ватандошларидан бу иборанинг маъносини изоҳлаб беришни ва у қандай қилиб Шекспир лексикасига кириб қолганини сўрайди. Бу сўровномага кўплаб инглиз адабиётшунослари ва классик адабиёт мухлислари жавоб қайтарган. Аксарият иштирокчилар Шекспир сувдаги бир маромда турмаслик, ҳар хил оқимда оқиш, яъни беқарорлик хусусиятларини Дездемонанинг хиёнаткорона хулқига менгзаганини таъкидлайдилар, бу ибора инглиз адабиётига ётлиги, Отеллонинг лотин-америкача тарбияси ва образини рангдор ифодалаш мақсадида қадимги лотин-америка адабиётидаги баъзи манбаларда учрайдиган мазкур ибoрадан фойдаланганлигини айтишади. Демак, инглиз китобхони ҳам сувга нисбатан false лексемаси қўлланганда бироз тушунмайроқ қолар экан.

Адекват таржимада китобхоннинг матнни тушуниши ва ҳис қилишига шароит яратмоқ лозим. Ўзбек китобхони учун "Оқин сувдек, у алдамчи, риёкор эди"дан кўра "Оқар сувдай бетийиқ, беқарор эди", мисраси кўпроқ тушунарли ва айни пайтда, бу ибора инглизча "false as water" иборасига адекват қабул қилинади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ғ.Ғулом Шекспир асарини рус тилидан, Ж.Камол эса бевосита инглиз тилидан таржима қилган. Адекватлик ҳақида сўз кетар экан, буни алоҳида инобатга олиш лозим бўлади. Бу эса ҳар қандай ҳолатда ҳам бадиий асарни аслиятдан таржима қилиш афзал эканини кўрсатади.

Қисқаси адекват таржима эквивалент таржиманинг юқори даражадаги кўриниши бўлиб, унда лексик-семантик мувофиқлик китобхоннинг бадиий тафаккури ва бадиий тасвирни идрок этиш меъёрларига уйғун бўлиши лозим. Чунки руҳият ва оҳангни сақлаш адекватликни таъминлашда муҳим омил бўлиб, таржимондан тегишли адабиёт илмларидан талаб даражасида хабардорликни тақозо этади. Аммо бу адекватликни таъминлашда лингвистик маҳорат иккинчи ўринда туради, дегани эмас. Таржиманинг лингвистик томонларига эътибор қаратмай таҳлил қилиш мутаржим ишини холис баҳолашга халал беради.

Таржимашунос олим Ғайбулла Саломов: "...таржимонда ёзувчи ва танқидчи, актёр, рассом, бастакор ва олим меҳнатидан нимадир бор. Бу шундан иборатки, таржимон лингвист бўлиб лисоний манбани таҳлилдан ўтказади, актёр сингари бировнинг қиёфасига киради ва айни вақтда ўзлигини сақлайди, ўзи ўгираётган нарсага ва, айниқса, ўз меҳнатига танқидий назар билан қарайди, таржима қилинаётган аслиятни яхлит ҳолга ҳамда бўлакларга бўлиб бир неча маротаба(керакли жойда овоз чиқариб!) ўқийди, "ўлик" матн орасидан муаллифнинг жонли сиймосини ва қалбини қидиради. Хуллас, гап орқасидан қувмайди, балки маъно, куй, оҳанг, бўёқ излайди", деб ёзади. Шундай экан, заҳматлар эвазига ўгирилган асарлар таржимасига холис баҳо бериш зар қадрини билган заргарларга хос ишдир.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридаги таржимашунослик соҳасининг ривожига доир зарур кўрсатмалари бу соҳадаги мудроқ кайфиятни сергаклантирди. Таржима давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, энди астойдил бу ишга киришиш, ечимини кутаётган муаммоларни кекса авлоднинг бой тажрибасию ёш авлоднинг шижоати ва янгича ғоялари орқали якдилликда қайтадан кўриб чиқиш вақти келди. Ишонамизки, XXI аср ўзбек таржимачилигида "бевосита таржима" мактаби тўла шаклланади. Зеро, бугунги кунда бу мактабга ташланаётган илк пойдеворлар бўй кўрсатмоқда.

**Гулноза ОДИЛОВА,**
**Қарши давлат университети ўқитувчиси**

# ҲАЛИЯМ МАШИНКАДА ЁЗАЯПСИЗМИ?

***Газетанинг шу йил 4 июн сонида "Куюнчак газетхондан мактуб" рукнида эълон қилинган ромитанлик муштарий Гулчеҳра Ашурованинг "Кўнгилдан кечган ўйлар" сарлавҳали мақоласи кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Зеро, мақолада таъкидланганидек ижод ва ижодкор шахси, ёзувчининг инсоний ва ижодий бурчи, халқ ва Ватан олдидаги масъулияти сингари масалалар ҳар доим ижодий жараённинг долзарб мавзулари қаторида туради. Г.Ашурова куюнчаклик билан, очиқ-ошкора айтган фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириб ёзилган хатлар, мақолалар шундан далолатдир.***

***Қуйида эътиборингизга ана шундай акс садолардан бирини тақдим этяпмиз.***

***Танқид ва адабиётшунослик бўлими.***

"Кўнгилдан кечган ўйлар" мақоласини ўқиб, менинг ҳам кўнглимдан бир талай ўйлар кечди. Куюнчак қизимизнинг ачитиброқ айтган гапларидан ("Бугун шоирлар — шоир, ёзувчи — ёзувчи эмасдек") хафа бўлганим йўқ, аксинча, бир қадар хушёр тортдим. Негаки, дўст ачитиб айтади, деганларидек, Г.Ашурованинг фикрлари ижодкорман деган кишига "тегиб кетиши" билан фойдали. Ахир, бўш-баёв, таъсирсиз гаплардан нима наф!

Менга Г.Ашурованинг фаоллиги, ўзини қизиқтирган "Ҳозирги замон ижодкорлари айнан нима билан банд?" каби саволларга йиллаб жавоб излагани, матбуотни, телевизорни канда қилмай кузатиб бориши, айниқса, интернетдан

### Акс садо

ўзи учун зарур маълумотларни қидириб топиб, уларга муносабат билдириши маъқул келди. Қанийди, у каби маърифатли, ҳозиржавоб, адабий жараёндан бохабар китобхонлар, адабиётнинг жонкуярлари сафи кенгайса.

Дарвоқе, интернет ҳақида. Эътибор беряпсизми, кўз ўнгимизда қоғозсиз адабиёт юзага келяпти. Жаҳондаги пешқадам мамлакатларнинг фуқаролари бадиий адабиётни аллақачон интернетдан ўқишга ўтиб олишган. Бунинг эса, ўнғай томонлари жуда кўп. Тасаввур қилинг: уйингизда ўтириб, истаган ёзувчининг таржимаи ҳоли ва асарларини мониторда истаган катталик ёки рангда жойлаштиришингиз, истасангиз қоғозга кўчириб олиб ўқишингиз мумкин. Айрим тенгдошларим ҳамон қўлда ёки машинкада ёзишаётганини кўриб, андак эътироз билдирсам, компютерни қоралашга киришиб кетишади. Аслида бу ҳол электр лампаси бўлатуриб, шам ёки чироқдан фойдаланишдай гап. Ахир, бугун бирор-бир халқ ёки мамлакатга баҳо беришда, аввало, интеллектуал тараққиёт биринчи ўринга чиқяпти, жумладан, аҳолининг қанча қисми интернетдан фойдаланади, деган савол ҳам қўйиляпти. Шу маънода мен Г.Ашурованинг: "Газеталар, журналлар, телевизор, интернет менинг дастимдан беҳаловат", деган фикридан хурсанд бўлдим.

Яқинда бир таниқли дўстимга Нобел мукофоти совриндори Урхон Помуқнинг "Қора китоб" номли романини ўқиб чиқишни таклиф қилдим. Танқидчи асар бадиийликдан узоқлигини, ибратли ғоя, салбий-ижобий персонажлар, сюжет чизиғи, табиат манзаралари, авторнинг позицияси, мақсади, ечим ва яна алламбалолар йўқлигини санаб кетди. Ваҳоланки, замонавий асарга нисбатан бундай талаблар ўта нисбий. Бундай пайтда ўйлаб қоласан: биз — шўролар даврида тарбия топган авлоднинг бадиийлик ва адабиёт ҳақидаги тасаввурларимиз эскирмадимикан, кўникма ҳосил қилган қолиплар онгимизга сингиб кетмаганмикан? Кўпчилигимиз Габриел Гарсиа Маркес, Пауло Коэло ва жаҳон тан олган қатор адибларнинг ўзбекчага таржима қилинган асарларини ҳам ишитёқ билан ўқимадик. Адабиёт ҳақидаги догма қарашларимиз бунга халақит берган бўлса ажаб эмас.

Г.Ашурова мактубида жон куйдириб айтган мулоҳазалар ("айрим ижодкорлар бугунги янгиланиш замонига бегонадек") шу жиҳатдан ҳам тўғри. "Жаҳон адабиёти" журналида эълон қилинаётган дурдона асарлардан бизнинг тенгдош ҳамкасблар ҳам бехабар, десам янглишмайман. Журнал бош муҳаррир ўринбосари Мирпўлат Мирзо бу ҳақда куюниб гапиргани ёдимда: "Китобхонларимиз лоқайд, беҳафсала. Меҳнат қилишни исташмайди". Аслида китоб ўқиш — меҳнат. Айрим ижодкорлар, бугунги дунё адабиёти нари турсин, тенгдошлар, ёш ижодкорлардан ҳам ажралиб қолаётганга ўхшайди. Ёшларнинг, айниқса, нодавлат газеталарда босилаётган асарларига нописандлик билан қараймиз. Кўпгина давраларда нодавлат газеталарни "сариқ матубот", деб камситишни хуш кўрамиз. Ваҳоланки бу нашрлар мустақиллигимиз туфайли юзага келади. Бугун «Даракчи», «Ҳордиқ» «Бекажон» сингари газеталар адабиёт тарғиботчиси бўлаётганлигини унутишга ҳаққимиз борми? Савияси баланд бўлмаса ҳамки уларнинг ўзига яраша ўқувчиси борлигини ва бу энг муҳим омил эканини тан олайлик. Энг муҳими, бу газеталарда асарларини эълон қилаётган ижодкорларнинг аксарияти ёшлар ва улар асардан асарга ўсиш, шу билан бирга, ўз ўқувчисининг ҳам билими, дунёқарашини ошириб бориш имконига эга.

Назаримда, адабиётимизга ташриф буюрадиган истеъдодлар айнан шу қатламдан чиқиши мумкин. Улар ёзаётган ва биз нописанд қараётган асарлар ўзининг детектив характери, аллақандай нореал воқеа-ҳолатлар тасвирлари билан бугунги дунё адабиётига яқин туради. Бугун Европа ва Америка қитъасида айнан ана шу руҳдаги асарларни ўқишяпти. Олам ўзгарди, ўзгарган олам эса ҳамиша ўзгача қарашларни, усулларни юзага келтиради.

Шўролар даврининг сўнгги йилларида адабиётга кириб келганларнинг ўртача ёши бугун олтмишнинг нари-берисида. Биз Абдулла Қодирий, Чингиз Айтматов, Абдулла Қаҳҳорларнинг китобларини ўқиб, қўлга қалам олганмиз. Асар завқ-шавқ билан ўқилса, бош устига, аммо ҳар қандай китоб ҳам осон ҳазм бўлавермайди. Навоий ҳазратлари, Достоевский, Лев Толстой асарларини ўқиш, мағзини чақиш учун сабру бардош, меҳнат талаб қилинади. Олтмиш ёшнинг нари-берисида эса, киши руҳиятида талай ўзгаришлар содир бўлиши табиий. Киши бой берилган имкониятлар, йўл қўйилган хатоларидан надомат чекади, ҳаёт ва адабиётга бўлган аввалги ташналик, иштиёқ сусаяди. Ноғаҳоний нохушликлар, муаммолар, бетобликлар сабаб бўлиб, инсон бот-бот ўлим ҳақида ўйлайдиган бўлади. Зеро «Қора китоб»да ҳам инсоннинг ана шу ёшдаги ҳолатлари чуқур тадқиқ қилинади. Танқидчилар бу романни «Минг бир кеча»га ўхшатишди. Мен эса Шарқ ва Ғарб адабиётининг уйғунлигини кўрдим бу асарда. Муалифнинг энг катта ютуғи ана шу омил, деган фикрга келдим. Асарда психологик таҳлил, образлилик билан бирга детектив жанрнинг усталик билан қориштирилганлиги, бир чимдимдан экзотика, бироз криминал, фантастиканинг мавжудлиги, ўрни келганда ҳужжатли фактлардан устакорлик билан фойдаланилгани бугунги серташвиш китобхонни ушлаб туради.

Помуқ қаҳрамонларидан бири Ғолиб бир замонлар анча ном чиқарган, эндиликда кексайиб қолган журналистлар даврасига тушиб қолади ва уларнинг ибратли фикрларини қоғозга туширишга шошилади: «Ёзаётганингнинг самимийлигига аввал ўзинг ишон», «Ўз шахсий мақол, матал, афоризмларингни ярат», «Ҳақиқий эътиқодинг бўлмаса ҳам ўқувчи буни сезиб қолмаслиги керак», «Устунликка эришишга ишонганингдагина баҳсга кириш», «Ҳар бир чиқишинг Шаҳризода эртакларидай бетакрор бўлсин», «Ўқувчининг хатини жавобсиз қолдирма, агар у ёзмаса, ўзинг мактуб йўлла ва кейин жавоб қайтар", «Аллақандай муҳим сирдан воқиф одамдай тут ўзингни», «Шундай кишилар билан танишгинки, оламдан ўтганларидан кейин ҳам улар ҳақида қалам тебратиш мумкин бўлсин», «Озроқ, аммо қониқиш билан ўқи». Бу кекса журналистлар Жалолиддин Румий номини такрор-такрор тилга олишади ва ундан сабоқ олишни тайинлашади.

Г.Ашурова ўз мактубида донишмандлардан бири айтган ушбу теран фикрни келтиради: «Юракнинг уриб туриши қалбнинг мавжудлигига кафолат бера олмайди». Ҳақиқатан ҳам, ижодкор бедор қалби билангина тирик. Юрагининг уриб тургани эса, унинг мавжудлигини билдиради, холос. Бугунги янгиланиш, улкан ўзгаришлар замонига ўзини бегонадек тутган ижодкорнинг фаолиятини эса бир сўз билан — лоқайдлик, деб баҳолаш мумкин. Бедор қалб ва бой бадиий тафаккур бизнинг ижодий парвозимизни таъминлайдиган қанотлар эканини унутмайлик.

**Нусрат РАҲМАТ**
*Самарқанд.*

# МАФТУНКОР СЎЗ ТАЛҚИНЛАРИ




Истеъдодли адабиётшунос Тоҳир Шермуродовнинг "Жозиб изҳор излаб" (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009) номли китобида мустақиллик даври адабиётининг ўзига хос тамойиллари ва вазифалари, унинг долзарб назарий масалалари, ХХ аср ўзбек адабиёти таниқли сиймоларининг поэтик маҳоратлари сўз санъатининг мафтункорлик хусусияти нуқтаи назаридан таҳлил этилади.

Китоб муаллифи истиқлол даври адабиётининг тараққиёт хусусиятларини таҳлилдан ўтказар экан, Абдулла Орипов, Усмон Азим, Мирзо Кенжабек, Сирожиддин Саййид каби шоирлар шеърларини дунёвий мавзулар, миллий қадрият ва адабий алоқалар негизида кузатади, истиқлол берган имконият ва ижод хусусида ўз фикрларини баён этади.

Ижтимоий фикрни миллий мафкурага уйғун тарзда тараққий эттиришда бадиий адабиёт, хусусан, шеъриятнинг вазифаси муҳим аҳамият касб этади. Чунки шеъриятда халқ руҳиятининг барҳаётлигини таъминловчи эътиқод ва эҳтиром мужассам. Тоҳир Шермуродов китобида анъанавий илмий таҳлилдан кўра эркин фикрлаш, мулоҳазали ҳаётий кузатишларга кўпроқ ўрин беради. Чунончи, муаллиф китобнинг "Истиқлол шеъриятида эътиқод эътирофи" ва "Назмий фасоҳатда иймон соғинчи" номли фаслларида ҳозирги ўзбек шеъриятидаги классик тажрибалардан ибратланиш миқёсининг кенгайганлиги, ҳур фикрлаш тарзининг намоён бўлиши, ижоднинг ёқимли тамойилларидан бири — эътиқодни янгича тақдим этишга бўлган интилишни, истиқлол берган имконлар боис, иймон таровати ўз мавқеини тиклаб бораётганини тўғри пайқайди. Олим бу фикрини Абдулла Ориповнинг "Ҳаж дафтари", "Ҳикмат садолари", Усмон Азимнинг "Тазарру боғлари", Шукур Қурбоннинг "Арбаъийн", Мирзо Кенжабекнинг "Юкинув" асарлари, Азим Суюн, Фахриёр каби шоирлар шеърларининг таҳлили орқали далиллайди. Бу далилларда шеъриятимизнинг янги даврга хос тарихи, ундаги ўнгланаётган эътиқод талқини ўз аксини топган.

Муаллифнинг "Сўзда савоб, сўзда гуноҳ бор..." номли мақоласи ижод ва ижодкорлик масъулияти ҳақида. Дарҳақиқат, кейинги йилларда вилоятларда нашр этилаётган шеърий "намуналар"даги олди-қочди ифодаларни, хом-хатала мисраларни, табиий туйғулардан йироқ ёлғонларни, ношаръий ҳолатларни, хушторликка хос ҳисларни севги номи билан китобхонга тақдим этиш нафақат ғоявий-поэтик талаблар масъулиятини ҳис қилмаслик, балки шу жамиятнинг фуқароси сифатидаги жавобгарликни ҳам унутишдир. Чунки шоир шеърият ва унинг табиатини тушунмаса, умуминсоний туйғуларни англамаса ўқувчини номақбул кўчаларга етаклайди. Шунинг учун ҳам олим бундай "шоир"ларга ***"шеъриятда ҳам савоб ва гуноҳнинг бир қадам"***лигини, ***"ижодкор учун иймон, диёнат, расолик бутун жамиятнинг, бинобарин, шеъриятнинг беназир муддаоси"*** эканлигини тўғри уқтиради.

### Тақриз

Тоҳир Шермуродов китобида ХХ аср ўзбек шеъриятидаги муқаддас туйғу — муҳаббат мавзуининг поэтик талқини масаласига алоҳида тўхталган. Маълумки, бу мавзунинг ибтидоси барча туйғулардан қадим ва мангу ҳамда жозибалидир. Шеърият тарихида бу мавзунинг поэтик изҳорида турфа рангин, рамзий усуллар ва услублар қўлланилди. Олим фикрича, даврлар нуқтаи назари қандай бўлмасин, муҳаббат талқини лирик қаҳрамоннинг ўта ҳиссий муносабатинигина эмас, гўзал ва комил қарашлар фаҳмини ҳам талаб этади. Аниқ, тиниқ, покдомон, ҳирсдан холи, ёқимли соғинч, иффатли тасвиргина доим яшаб, кўнгилларни доим яшнатади. Ҳақиқатдан ҳам ҳаётий, руҳоний ибратбахш кечинмалар муҳаббат мавзуидаги шеъриятнинг жонига аро кирган. Мунаққид классик шеърият асрлар мобайнида миллий ибо ва иффатли кечинмаларда ҳам уялиб ифодалаган бу туйғунинг собиқ шўролар даври шеъриятида саёз — сохта ва беибо тасвирланганини тўғри қайд этади.

Муаллиф китобдаги "Ҳикоялар, ниҳоялар", "Қиссалар, алқиссалар", "Жозиб изҳор излаб", деб чиройли номланган мақолаларида ХХ асрнинг сўнги чорагида фаол жанрлар ҳисобланган ҳикоя ва қиссачилигимиздаги янгича бадиий тафаккурда ҳаёт муаммоларини ёритиш, оғриқли масалаларни дадил кўтариб чиқиш кучайиб бораётганлигини Асқад Мухторнинг "Аликнинг кайфи бузилган йўқ", Шукур Холмирзаевнинг "Қадимда бўлган экан", Ўткир Ҳошимовнинг "Ўзбек иши", Эркин Аъзамовнинг "Анойининг жайдари олмаси", "Музқаймоқ" каби ҳикоялари ва Хайриддин Султоновнинг "Кўнгул озодадур...", Эркин Аъзамовнинг "Байрамдан бошқа кунлар", Менгзиё Сафаровнинг "Айришох", Маматқул Ҳазратқуловнинг "Кўккўл", Сойим Исоқовнинг "Юлдуз кўкда сўнади", Назар Эшонқулнинг "Уруш одамлари", Шоим Бўтаевнинг "Шамол ўйини" қиссалари асосида далиллайди. Энг муҳими, бу ҳикоя ва қиссаларнинг ХХ аср ўзбек насри тараққиётига қўшган ҳиссаларини, моҳиятини кенг қамровли таҳлилдан ўтказади.

ХХ аср ўзбек адабиётининг турли авлодига мансуб бўлган Чўлпон ва Шайхзода шеърияти, Тоҳир Малик ва Тоғай Мурод ижодига бағишланган мақолалар ҳам ўзининг илмий теранлиги билан ажралиб туради. Хусусан, Тоҳир Шермуродов Чўлпон шеърияти ҳақида фикр юритар экан, китобхон диққатини шоирнинг барча асарлари замирида халқни уйғоқлик ва огоҳликка чақириш туйғулари етакчилик қилишига қаратса, Мақсуд Шайхзода ижодида ҳиммат ва донишона тафаккур, олам мусаффолиги ва инсон комиллиги талқини уфуриб туриши билан бирга, шоир шеърияти ўқувчи учун шеършуносликнинг барча адабий унсурларидан сабоқ берувчи мактаб эканлигини уқтиради.

Китобдаги бир қатор мақолаларда бадиий адабиётнинг миллийлик ва умуминсонийлик хусусиятлари, шеърий ва насрий асарлардаги ўзига хосликлар, шеър вазнлари ҳақида ҳам муаллифнинг асосли кузатишлари баён қилинган. Албатта, бу кузатишлар китобхонда хайриҳоҳлик ва эътироф туйғуларини туғдирса-да, баъзида эътирозлар пайдо қилади. Шунингдек, баъзи илмий кузатишларнинг кўпгина мақолаларда қайтарилиши ҳам ҳақли равишда эътироз туғдиради.

Хуллас, адабиётшунос Тоҳир Шермуродовнинг "Жозиб изҳор излаб" номли китоби ХХ аср ва мустақиллик даври адабиёти мисолида бадиий сўз санъатининг жамиятдаги ўрни, унинг мафтункорлик хусусиятини миллий ва умуминсоний эстетик қарашлар асосида таҳлил ва талқин этганлиги билан бугунги ўзбек адабий танқидчилигига қўшилган муносиб ҳиссадир.

**Дамин ТЎРАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

**Баркамол инсонни вояга етказишда саҳна санъати истиқболига, жумладан, ёш актёрлар тарбиясига аҳамият берилаётгани бежиз эмас.**

**Аслида актёр қиёфаси кўп созли симфоник оркестрга ўхшаши керак, дейдилар. Шубҳасиз, спектакл муваффақияти айнан шу қиёфа жозибасига боғлиқ. Актёр маънавияти нафақат саҳна қонунларини идрок этиш, балки миллий менталитетга хос тушунчаларни ўзида мужассам этган ички маданият билан ҳам белгиланади.**

# АКТЁР САВИЯСИ

Шахсий мулоҳаза

Республикамизда режиссёр ва актёрлар тайёрлайдиган иккита институт, бир қанча санъат ва маданият коллежлари фаолият юритмоқда. Мазкур ўқув даргоҳларида талабаларга етук мутахассислар, тажрибали педагоглар ва айни вақтда таниқли санъаткорлар дарс беради. Табиийки, бу жарёнда ҳамма вақт актёр этикаси, унинг интизоми, одоби театр соҳасининг долзарб муаммоси бўлиб қолаверади.

Буюк театр реформатори Константин Станиславский ўз вақтида: "Ахлоқи бузуқ, маънан қашшоқ одам саҳнада туриб томошабинни поклик ва олижанобликка даъват эта олмайди", деган эди. Одатда актёр ўз маҳорати билан томошабинни саҳнадаги ҳаётга ишонтириши, турли ғоялару туйғулар жангига олиб кириши лозим. Вильям Шекспир яшаган даврда, спектакл бошланишидан бир неча дақиқа олдин актёрлар парда ортидан оҳиста залга қараб, томошабинларни кузатар экан. Улар кимлар — зиёлими ёки оддий инсонлар? Агар оддий томошабин бўлишса, спектаклнинг фақат сюжети қўйилиб, ундаги монологлар олиб ташланар экан. Бу мантиқан ўша давр театр этикаси учун бир йўл бўлиши мумкин. Лекин бугун баъзи спектаклларни кўрганда парда ортидан мўраламасдан туриб ҳам шу ҳол давом этаётгандек таассурот уйғонади.

Пойтахт театрларининг репертуарига эътибор берсак, асосан комедия жанридаги спектакллар ўрин олган. Таассуфки, Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида ҳам шундай кассабоп асарлар кўпаймоқда. Аслида "академик театр" жаҳон классикаси дурдоналари саналмиш пиесаларни саҳналаштириши, бошқа театрларга ўрнак бўлиши, ўз мухлисига эга бўлиши керак. Енгил-елпи спектаклларни саҳналаштиришни одат тусига айлантираётган театр ижодкорларига бу борада савол бергудек бўлсангиз, улардан: "Ҳа, ука, бу ёғи бозор иқтисодиёти", "Томошабин хоҳлагани шу" каби одатий жавобларни эшитасиз. Жавоб тўғрига ўхшаб кўрингани билан "Театр томошабин ортидан эргашиши керакми ёки аксинча?" деган кўҳна савол очиқ қолмоқда. Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов "Санъат — қисмат демак!..." (Театр №1 2006 йил) мақоласида "Театримизда "Гамлет" саҳналаштирилди. Тоҳир Саидов ролини ёмон ўйнамади, лекин томошабин келмади", деб ёзади. Ахир, саҳнада Гамлет, Спитамен, Амир Темур, Навоий, Бобур, Увайсий ва Нодирабегим каби сиймоларни яратаётган баъзи актёрлар тўйларда "куракда турмайдиган гаплар" билан масхарабозлик қилиб юрса, қайси томошабин уларни кўриш учун театрга келади. Ёки борган тақдирдаям томошабин кўнглидан бир ўй ўтади: актёр ёки актрисанинг ўзи қаҳрамони ҳақиқатига қай даражада ишонаяптийкин, ҳақиқатан ҳам унинг қисматидан таъсирланганми ёки қандай "ларза"га келганини бизга намойиш этмоқчими? Асосий оғриқ, муаммо менинг назаримда мана шу масаладир.

"Театр ўюнбозлик эмас! Масхарабозлик ҳам эмас! Театр бамисоли ойнаванд бир уйким, кирган ҳар бир кимса ўз ҳусну қабиҳини кўра олур. Юзига ун суртиб масхарабозлик шаклига кирган зотлар табиби ҳозиқдурлар". Маърифатпарвар ёзувчи ва театр жонкуяри Маҳмудхўжа Беҳбудий ушбу сўзлари орқали театр жамият кўзгуси эканлигини таъкидлайди. Таниқли режиссёр Немирович-Данченко эса театрнинг асосий ходими актёр эканлигини уқтириб шундай дейди: "Театрни замонавий ёритгич ва иситгичлар билан таъминлаб, малакали рассом ва оркестрни таклиф этиб, ишбилармон администратор ва директорни ишга жалб этган тақдирда ҳам бу театр — театр бўлмайди. Бу яхши жиҳозланган ва таъмирланган бино бўлиб қолаверади. Мана, шаҳар майдонига уч актёр келиб, ерга гиламча солдилар ва ўз маҳоратларини, ижроларини намойиш эта бошладилар — ана энди бу ҳақиқий театр томошасидир".

Актёрдан маҳорат ва тажриба билан бирга юксак тарбия ва темир интизом талаб этилади. Ҳар бир театрнинг ўзига хос ички тартиб-қоидалари, ёзилган ва ёзилмаган қонунлари мавжуд. Лекин, қайси театр бўлмасин, саҳна битта, у томошабин учун хизмат қилади. Демакки, барча театрларнинг ички тартиб-интизоми ҳам томошабин манфаатини кўзлаб ишлаб чиқилган.

Ўзбек заминида илк маротаба вужудга келган "Турон" театр труппасининг ҳам ўз Низоми бўлган экан. Бу Низом ҳозирда Абдулла Авлоний мемориал музейида сақланмоқда. Шу "Низом" бандларида актёр, режиссёр, бошқа ижодий ва ташкилотчи аъзоларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва имтиёзлари белгиланганки, бу "Турон" жамиятининг қанчалик жиддий асосларда иш олиб борганини кўрсатади.

Театр асосчиларидан Е.Б.Вахтангов ҳам ўз театр-студияси талабалари олдига ширинсухан, камтар, жамоа ишида бир-бирига елкадош бўлиш; юриш-туришда олифтагарчилик қилмаслик ва манмансирамаслик; кичик роллар йўқ, кичик актёрлар бор, деган қоидага амал қилиш; кўпчилик олдида, маҳоратли актёр учун ролдан воз кечишга тайёр бўлиш; театр ижодий ҳаётида ҳар қандай қонунни бузиш жиноят эканини ёдда тутиш; кечга қолиш, эринчоқлик, ўжарлик, асабийлашиш, ёмон характер, ролни билмаслик, бир нарсани икки маротаба қайтаришга мажбур қилиш каби иллатларнинг илдизини қуритиш лозимлиги ҳақидаги талабларни қўйган.

Миллий театримиз асосчилари, етакчи актёрлар Лутфулла Нарзуллаев, Обид Жалилов, Шариф Қаюмов ва Шукур Бурҳонов репетиция ёки спектакл бошланишидан бир соат олдин театрга келар, ўз гримхонасида яратажак роли устида ишлар, саҳнага тайёрланар экан. Репетицияга кечикиб келиш катта айб саналган. Шуниси аёнки, театрдаги бундай темир интизом юқоридан бериладиган буйруқлар асосида эмас, ички эҳтиёж туфайли пайдо бўлган. Бунда театр ва томошабиннинг умумий манфаати кўзланган.

Жаҳон киноси ва театр санъати тарихидан маълумки, актёрлар муайян бир миллатнинг вакили сифатида дунёга бўй кўрсатадилар. Юртбошимиз айтганидек, "Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввалambор, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак".

Дарҳақиқат, агар бўлажак актёр ҳамкасбларини қўллаб-қувватлашнинг аҳамиятини, жамоа манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш кераклигини ўқув даргоҳидаги таълим жараёнида англаб етмаса, профессионал саҳнада бу фазилатларни ўрганиш учун вақт ҳам, имконият ҳам бўлмайди. Саҳнада юзаки тақлиду ташқи кўриниш билан синчков томошабинни чалғитиб бўлмайди. Шунинг учун бу соҳа эгалари фақат ўз доираси билан чекланиб қолмасдан, санъатнинг бошқа турларидан ҳам етарлича маълумотга эга бўлишлари, албатта, бадиий адабиёт билан ошно тутинишлари лозим. Зеро, актёрлар ўз замонасининг тарғиботчисидир.

**Жаҳонгир МАМАТҚОСИМОВ**

# ТОМОШАБИН ЗЕРИКМАСИН

Акс садо

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"нинг шу йил 27 май сонида чоп этилган "Умрбоқий кинофилмлар яратиш орзуси" номли мақолани ўқиб, анчадан буён мени ҳам ўйлантириб келаётган фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашишни лозим топдим. Ойнаи жаҳонда "Қайтар дунё", "Дил пайванди", "Туташ тақдирлар", "Ўзи уйланмаган совчи", "Қалдирғочлар яна қайтади", "Ҳаёт жилғалари ёхуд аёл лафзи" каби миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз руҳидаги бир қатор сериаллар намойиш этилди. Бу сериаллар катта аудиторияни ўзига жалб этиб ҳам улгурди.

Бироқ аксарият телесериалларимиз халқимизда хориж сериалларига бўлганидек қизиқиш уйғота олмаяпти, Бизнингча, бунинг бир қанча сабаби бор. Энг аввало, аксарият сериалларимизнинг сценарийси талаб даражасида эмас. Миллий киноларимизда шиддат билан ривожланадиган сюжетлар, томошабинни қизиқтира оладиган ҳолатлар кам. Уларнинг асосини кўпроқ "гап" ташкил қиляпти. Сериалда кадрлар ўзгариб туриши, воқеалар кетма-кетлиги таъминланиши, конфликт бош қаҳрамон билан боғлиқ тарзда юзага келиб, бир конфликт кетидан бошқаси пайдо бўлиши шарт. Афсуски, бизнинг сериалларимизда айтарли бош қаҳрамоннинг ўзи йўқ.

Агар кузатган бўлсангиз, хориж сериалларининг ҳар бир қисми жумбоқли тарзда якун топади. Яъни ҳар бир қисмда бирор воқеа юз бериб, воқеа айни авжига чиққанида якунланади, табиийки, томошабин сериалнинг кейинги қисмини иштиёқ билан кута бошлайди. Лекин бундай ҳолатни ўз сериалларимизда кузатмаймиз. Берилаётган қисмни эфир вақти тугаши билан тўғри келган жойдан узиб қўйиш ҳолатлари жуда кўп. Натижада сериал динамикаси томошабинда қизиқиш уйғота олмаяпти. Хориж сериаллари ўз мусиқасига, қўшиғига эга бўлади, ҳатто қаҳрамонлар учун махсус мусиқалар басталанади. Мусиқа қаҳрамоннинг ички ҳис-туйғулари ва кечинмаларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Жуда кўп хориж сериалларининг мусиқаси "хит" даражасигача кўтарилган. Зеро, мусиқа инсон қалбига тез етиб борувчи восита ҳисобланади.

Сериалларимиздаги муаммолардан яна бири монтаж масаласидир. Монтаж бу режиссёрнинг тили, мавзуни эфирга узатишда ифода воситаси, ўз нуқтаи назарини кадрлаштириши ҳисобланади. Бизда эса монтаж имкониятларидан унумли фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Ҳар бир кадр ўз ўрнини топа олмаяпти. Нима учун шу қисм эфир юзини кўряпти, унинг тадрижий ривожи қандай якун топади, деган саволларга жавоб тополмайсиз. Масалан, "Ўзи уйланмаган совчи" сериалидаги бир кадрни олайлик. Воқеада сериал қаҳрамонларидан бири машинасини тузатаяпти. Шу ҳолат сериалнинг биринчи қисмидан тўртинчи қисмигача давом этади. Бир қолипга тушган такрор ва такрор бир хил кадрлар, зерикарли тасвирлар томошабинда лоқайдлик уйғотиши табиий ҳол.

Албатта, ижодкорларимиз телесериаллар яратиш борасида тажриба орттираётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Сериалдан сериалга камчиликлар тугатилиб, мавжуд муаммолар барҳам топишига ишонамиз. Фақат тажриба орттириш жараёни қисқариб, бизнинг сериалларимиз ҳам хориж экранларида намойиш этиладиган кунлар тезроқ келишини кутиб қоламиз.

**Фарида ШАРАФУТДИНОВА,**
**Санъат институти талабаси**

# САҲНАДА — ДЕТЕКТИВ



Муқимий номидаги мусиқали драма театри репертуари сўнгги йилларда кўпгина янги спектакллар билан бойиди. "Тўда", "Суперқайнона", "Жайдари келин", "Хотинимнинг уч шайдоси", "Ойонам — қайнонам", "Бу телба хонадон", "Ўлдинг, азиз бўлдинг", "Тобутдан товуш" каби лирик, комик, трагик сюжетлари билан томошабинни қизиқтирадиган саҳна асарлари яратилиб, томошабинлар аудиторияси янада кенгайди.

Бу спектакллар орасида детектив жанрдаги "Тузоқ" спектаклининг алоҳида ўрни бор. Роберт Тома қаламига мансуб ушбу асарни режиссёр Гулруҳ Нажидова саҳналаштирди. Қаҳрамонларнинг исми ўзбек исмлари билан алмаштирилган бўлса-да, асарнинг мазмун-моҳиятидан четга чиқилмаган. "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам очилади", деган ҳақиқат спектакл ғоясида етакчи ўрин эгаллайди.

Гулруҳ Нажидова асарни саҳналаштирар экан, асосий диққат-эътиборини бир қарашда ниҳоятда одамшаванда, инсоний қадр-қимматни устун қўядиган, аслида эса шундай ниқоб орқасига яширинган жиноятчига қаратади.

Ёшлар овози

Шу жиноятчи Болта образини моҳирлик билан яратган актёр Дилмурод Узоқов ўз ижроси билан спектаклнинг бошидан охиригача томошабин диққатини тутиб туради. Аянчли аҳволга тушган Болта — Д.Узоқов нажот йўлини излайди, охир-оқибат ўзи қўйган тузоққа илинади. Спектакл сўнгида Болтанинг асл қиёфаси фош бўлиб, салбий кимсага айланиши томошабинни ҳайратга солади.

Шоҳида образини яратган актриса Муқаддас Мамадалиева ўз қаҳрамонининг фирибгар ва такаббурлигини маҳорат билан очиб беради. У саҳнада ўринли бўрттирма ҳаракат, имо-ишоралар билан қаҳрамон феъл-атворини кўрсатишга ҳаракат қилади. Актриса саҳнада ўзини шундай табиий тутадики, томошабин унинг рол ижро этаётганини ҳам унутиб қўяди. Якунловчи оммавий саҳна режиссёрлик ва актёрлик нуқтаи назаридан пишиқ ишланган.

Режиссёрнинг рассом билан ҳамкорликда олиб борган иши ҳам алоҳида эътиборга молик. Саҳнани безашда рассом Наталя Глубокина асар ғоясидан келиб чиқишга ҳаракат қилган. Назаримизда, муҳит ва воқеаларни акс эттирувчи шароит бекаму кўст, жиҳозларнинг ихчамлиги актёрлар ҳаракати учун қулайлик яратган.

Маълумки, спектаклда мусиқа етакчи ўрин эгаллайди. Асар ғоясининг очилишида унинг аҳамияти катта. Мазкур саҳна асари учун Дилноза Зокирова басталаган мусиқа ҳар томонлама мос тушган. Актёрлар ранг-баранг қўшиқлар ижроси орқали ўз ички кечинма ва туйғуларини томошабинга бемалол етказиб бера олганлар.

Албатта, спектакл камчиликлардан ҳоли эмас. Жумладан, баъзи актёрлар ижросида, хатти-ҳаракатларида бачканалик кўзга ташланади. Шунга қарамай, бойлик, мол-дунё изидан қувиб, инсонийликни унутиб қўяётган кимсаларни фош этишга қаратилган асарлар эзгуликка хизмат қилади.

**Муножат ВАЛИЕВА,**
**Санъат институти талабаси**

# ЯНГИ ТОМОШАЛАР

Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театри ижодий жамоаси драматурглар Ҳайитмат Расул ва Эсонбой Ўриновлар қаламига мансуб **"Ўлмасин жайрон"** ҳамда Каромат Дилмонов асари асосида **"Зумрашанинг саргузаштлари"** эртак-томошасини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Театр бош режиссёри Холмурод Сатторов саҳнага олиб чиққан мазкур асарлар табиат мавжудотларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, болаларни тўғрисўз, билимли қилиб тарбиялаш, ҳунар эгаллашга чақиради.

Асосий ролларни театрнинг етакчи актёрларидан Дилфуза Аъзамова (она жайрон), Хуршид Ҳакимов (бола жайрон), Гулчеҳра Расулова (она), Ойгул Хўжанова (Лола), Сарвар Сафаров (овчи), Каромат Дилмонов (профессор), Зафар Тоҳиров (робот) ижро этмоқда. Саҳна безакларини театр бош рассоми Мирзоҳид Маматов яратган.

**Т.МАЛЛАЕВ**

# СУРХОННИНГ ҚУВАЛИК ҚИЗИ



Вилоят театрларида

Қаноатхон Миродилова асли Фарғона вилоятининг Чинбой қишлоғида туғилиб ўсган. Санъаткорлик унинг қонида бор. Отаси Миродил Йўлдошев дуторни сайратиб чаларди, унча-мунча хиргойи ҳам қилиб турарди. Аммаси Ҳавохон опа эса дутору доира чалар, қўшиқларни маромига етказиб ижро этарди. Қаноатхон ҳам мактабдаёқ бадиий ҳаваскорлик жамоасида фаол иштирок эта бошлади. Доира чалиб, қўшиқ, лапарлар ижро этарди. Кейинроқ Қува тумани «Анор» ашула ва рақс фолклор ансамблининг фаол иштирокчисига айланди.

Қаноатхон Миродилова халқ ашулалари, мақом йўналишидаги қўшиқларни севарди. Фарғона вилоят мусиқали драма театри артисти Шарофиддин Исмоиловнинг мақом қўшиқларини маҳорат билан ижро этиши уни мафтун қилар, ундан санъат, қўшиқчилик сирларини пухта ўрганишга интиларди. Мактабни тугатгач, Фарғона мусиқа билим юртига ўқишга кирди. Иккинчи курсга ўтганида, Тошкент театр ва рассомлик санъати институти мутахассислари қобилиятли ёшларни олий ўқув юрти учун танлаб олдилар.

Шундай қилиб у институтнинг мусиқали вокал факултетига қабул қилинди. Бу ерда таниқли режиссёр Омон Абдураззоқовдек етук мураббий қўлида таҳсил олди.

Санъат йўлини танлаган сурхондарёлик йигит Неъмат Пардаев ҳам шу институтни тамомлаган эди. Тақдир тақозоси билан улар институтда умр ришталарини боғладилар. «Турмуш қуришимиз ҳақида гап очилган замоноқ Қаноатхон «Сурхондарёда мусиқали театр борми?», деб сўраб қолди, — деб эслайди Неъмат ака. — «Бор» деганимдан кейин кўнгиллари хотиржам бўлди».

Тўй бўлиб ўтгандан сўнг икки ёш ижодкор Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида ишлай бошладилар. Ўшандан буён 43 йил ўтибди. Ўтган йиллар давомида Қаноатхон катта ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Таниқли артистлар Тиллахон Латипова, Сойибжон Нурматов, Ҳасан Муҳиддинов, Ҳадича Бобохонова ва бошқа тажрибали актёрлардан кўп нарса ўрганди. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, театр бош режиссёри Мансур Равшанов ва турмуш ўртоғи, режиссёр Неъмат Пардаевларнинг тажриба ва билимлари, маслаҳатлари унга қўл келди. Қ.Миродилова У.Азимнинг «Бир қадам йўл» асарида катта келин Бегам, Э.Нормаматовнинг «Лўли қиз»ида она, Мольернинг «Скопеннинг найранглари» комедиясида Лўли қиз, Н.Парданинг «Адиб Собир Термизий» асарида шоирнинг севгилиси, Х.Хурсандовнинг «Кампир топайми, дадажон?» комедиясида момо, «Ўлдинг, азиз бўлдинг» асарида она образларини маҳорат билан жонлантириб, ҳамкасблари, санъат мухлислари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди.

Қизғин ижодий фаолият билан бирга Қаноатхон беш фарзандни тарбиялаб ўстирди. Тунлари болаларни ухлатиб, уй-рўзғор ишларини саранжомлагач, сценарий ўқиш, рол ёдлаш, репетиция қилишга тушарди. Бугун қийинчиликлар ортда қолди. Фарзандлари уйли-жойли бўлиб, ўзларидан тинчишган.

Актриса қадрдон жамоаси билан бирга мамлакатимиз ва қўшни республикаларда гастролларда бўлди. Тошкентда ҳам бир неча бор санъатини намойиш этди. Яқин икки йил ичида Миср Араб Республикасида, Душанбе шаҳрида жамоа билан халқаро фестивал ва кўрик-танловларда иштирок этди. Маҳоратли актрисанинг кўп йиллик меҳнатлари муносиб тақдирланди. Мустақилликнинг 18 йиллиги арафасида Президентимиз фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди. Бу юксак мукофот Қаноатхон Миродиловани янги ижодий ишлар сари руҳлантирмоқда.

**Муҳаммад АЗИМОВ**

# УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР КОНЦЕРТИ



Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти анжуманлар саройида "Баркамол авлод йили"га бағишланган концерт бўлиб ўтди. Концерт ташкилотчиси ва асосий ижрочилари Консерваторияни фортепиано чолғуси мутахассислиги бўйича тугаллаган Онабека Искандарова ва унинг ўқувчи-талабалари бўлишди.

Уч бўлимдан иборат дастурнинг биринчи қисмида Даврон Ёқубов, Бобур Муллажонов, Фарҳод Обидов, Фаррух Саидов, Элёр Саидов каби ўқувчилар ўз ижрочилик маҳоратини намойиш этдилар. Улар ижросидаги ўзбек, рус, Европа классик композиторларининг асарларини томошабинлар олқиш билан қарши олдилар. Айниқса, Динара Абдуллаева ижросидаги Чайковскийнинг "Неополитанча қўшиқ" асари кўпчиликка манзур бўлди.

Концертнинг иккинчи қисмида Онабека фортепианода жўрнавозлик санъатини намоён этди. Композитор А.Вивалдининг "Йил фасллари" асаридан (қиш) парчани ғижжакда Мурод Ёдгоров ва таниқли бастакор Мустафо Бафоевнинг "Достон" асарини қашқар рубобида Мирзараҳмон Мамажонов ижро этдилар.

Дастурнинг учинчи қисмида ёш мураббий О.Искандарова якка ижрочи сифатида ўзбек бастакорлари асарлари қаторида Ф.Шопен ва Г.Свиридов асарларини ҳам тингловчиларга ҳавола этди.

Концерт дастурини мусиқашунос ўқитувчи Машҳура Ражабова олиб борди. Бундай ижодий тадбирлар ўқувчиларнинг маҳорат сирларини эгаллашида катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Миробид ИНОЯТОВ

# Маданий ҳаёт

Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида очилган "Тасвирда она Ватан сиймоси" кўргазмасида академик рассомлар, ўқитувчи ва талабаларнинг ижод намуналари намойиш этилди.

Икки юздан ортиқ тасвирий ва амалий санъат асарлари орасида Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Акмал Нур, Владимир Бурмакин ижодига мансуб рангтасвир асарлари томошабинларга манзур бўлди.

**Азиза МАТКАРИМОВА**

* * *

Республика «Киночилар уйи»да «Ўзбек киноси: кеча ва бугун» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. «Баркамол авлод йили» муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир ўзбек киноси истиқболларига бағишланди. Унда таниқли кино ижодкорлар, актёрлар ҳамда иқтидорли ёшлар иштирок этди.

Тадбирда бугунги кунда суратга олинаётган турли мавзу ва жанрдаги филмларнинг савияси ва ижтимоий салмоғини ошириш тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

**С.МЕЛИҚУЛОВА**

# ВАҚТ МАНЗИЛЛАРИ

Кўргазма залларида

Миллий санъат марказида очилган "Вақт манзиллари" фотокўргазмасида Жанубий ва Шимолий қутбларга уюштирилган экспедициялар чоғида олинган суратлар ва видео лавҳалар намойиш этилмоқда.

Кўргазмага ташриф буюрган томошабинлар Ер курраси қутбларидаги ўзига хос муҳит билан танишишлари мумкин. Фотосуратларда Шимолий ва Жанубий қутбнинг бетакрор уфқлари, қор ва музга бурканган манзаралари акс этган. Табиат мўъжизалари, ҳайвонот олами, сирли ҳодисалар акс этган юзга яқин фотоасарлар экспедиция жараёнларидан сўзлайди. Экспедиция иштирокчилари сайёрамизнинг доимий совуқ ҳудудларидаги вазият ҳақида фотокўргазма доирасида ўтказилган учрашув ва тақдимотларда сўзлаб бердилар.

Кўргазма "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари "Ижод" уюшмаси, Россиянинг "Лира" интеллектуал ижодий бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

**Ўз ахборотимиз**

